

Чирчиқ кимё индустриал технопаркида янги ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди

// 14.11.2024

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/chirchiq-kimyo-industrial-tehnoparkida-yangi-ishlab-chiqaris>



Жорий йилнинг 13 ноябрь куни Чирчиқ кимё индустриал технопаркида BSG компанияси маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Корхонада GRASS брендининг автокимё, автокосметика соҳалари учун профессионал ҳамда маиший тозалик воситалари ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, лойиҳа доирасида 100 дан ортиқ иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Айти пайтда 40 дан ортиқ маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.



Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон каби қўшни мамлакатларга экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.



«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати